

5/2022,  
sentyabr-  
oktyabr  
(№ 00061)



## МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ БОШҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**Режабов Ғиёсиддин Қутбидинович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*мустақил изланувчиси*

**E-mail:** [rejabovg@gmail.com](mailto:rejabovg@gmail.com)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a17](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a17)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада маданий мерос объектларини бошқариш масалалари ёритилган. Яъни, маданий мерос объектларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган ва уларнинг ечимлари атрофлича баён этилган. Шунингдек, маданий мерос объектларини бошқариш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш асосида мамлакатимизда моддий маданий мерос объектларини асраш ва бошқаришга доир чора-тадбирлар таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** моддий маданий мерос, маданий мерос, маданий ёдгорлик, маданий мерос объектларини бошқариш.

### **Аннотация**

В данной статье рассматривается управление объектами культурного наследия. То есть изучаются проблемы, связанные с управлением объектами культурного наследия, и подробно описываются пути их решения. Также на основе изучения зарубежного опыта управления объектами культурного наследия предложены меры по сохранению и управлению материальными объектами культурного наследия в нашей стране.

**Ключевые слова:** материальное культурное наследие, культурное наследие, памятник культуры, управление объектами культурного наследия.

### **Abstract**

This article covers the management of cultural heritage objects. That is, the problems related to the management of cultural heritage objects are studied and their solutions are described in detail. Also, based on the study of international experiences in the management of cultural heritage objects, measures for the preservation and management of material cultural heritage objects in our country have been proposed.

**Key words:** tangible cultural heritage, cultural heritage, cultural monument, management of cultural heritage objects.

### **Кириш**

Мамлакатимиздаги бой маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда асрашга доир ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Асрашга доир ишларни асосли ҳамда илмий жиҳатдан ўрганилмасдан амалга ошириладиган бўлса, моддий маданий мерос объектларига жиддий зарар етказилиши мумкин.

Асрашга доир ишлар тизимини такомиллаштириш йўли билан шу пайтгача учраб турадиган хато ва камчиликларга барҳам берилиши ва янгиларини вужудга келишининг олди олинади.

Ушбу тизимни шакллантириш эса моддий маданий мерос объектларини сақланиши, муҳофаза қилиниши ва асраш тадбирларининг бажарилишини изчиллик билан амалга оширилишига хизмат қилади.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиниши ва унинг қонунчилик жиҳатидан мустақамланиши борасида мамлакатимизда қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 декабрда ПҚ-4068-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли қарорларига мувофиқ, Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда унинг минтақалараро (минтақавий) давлат инспекциялари негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сон Фармони, 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5150-сон қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар билан Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази негизида Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 119-сонли қарори ва бошқа кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Маданий мерос объектларини бошқариш усуллари, меросни бошқариш тизимининг элементларини баҳолаш ҳамда маҳаллий ҳамжамият ва бошқарув элементлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш масалалари бўйича В.И. Векленко, М.А. Алгафри, М.А. Мохаммад [1], С.Ю. Житенёв [2] илмий тадқиқотлар олиб борган. Шунингдек, маданий мерос объектларини самарали бошқариш ва бунга омиллар таъсирини баҳолаш бўйича В.В. Тарновский [3] ўрганган.

Lei Cui, Xiaofen Shao, Beenu Mago, Renjith V.Ravilar [4] raqamli iqtisodiyot sharoitida madaniy meros obyektlarini tasniflash va boshqarishda keng ma'lumotlar bazasini yaratish va raqamli vositalar asosida chuqur urganiш ёрдами билан номоддий madaniy merosni boshqarishni takomillashtirish borasida ilmiy tadqiqotlar olib borishgan.

Хитойлик олим Lei Zhang [5] madaniy meroslar bilan bog'liq ma'lumotlardan foydalаниш холатлари бўйича турли манбалардан турли маълумотларни тўплаган ва уларни жиҳатдан таҳлил қилган бўлса, Lin Guilan ва Dong Weiweiларнинг [6] tadqiqotlari esa dengiz madaniy ёдгорликлари яъни, сув ости madaniy ёдгорликларининг тасодифий зарарланишининг олдини олишга қаратилган.

Riccardo Cacciotti ва бошқаларнинг [7] фикрича иқлим ўзгариши сабабли, хусусан Европада кучли ёғингарчилик, сув тошқини ва қурғоқчилик каби экстремал иқлим ҳодисаларининг частотаси ва ҳажми ошиши натижасида сўнгги пайтларда кўплаб ҳудудлар madaniy merosga катта зарар этказган табиий офатлардан азият чекмоқда. Ҳозирги вақтда Марказий Европада рискларни бошқариш бўйича турли стратегиялар қўлланилса-да, уларнинг самарадорлигини пасайтирадиган кўплаб муаммолар мавжудлигини таъкидлашади ва ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида илмий изланишлар оlib борган.

Умуман олганда, бугунги кунда madaniy meros obyektlarini аслича сақлаш, асраш ва уларни бошқариш бўйича бутун дунё миқёсида кўплаб илмий tadqiqotlar olib borилмоқда. Аммо, булар етарли эмас, чунки бугунги вақтда соҳада ечимини топмаган муаммолар етарлича эканлиги сир эмас. Шу жумладан мамлакатимизда ҳам, шу боис мазкур муаммоларни ечиш илмий жиҳатдан tadqiqotlar olib borishni тақозо этмоқда.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу tadqiqotda Ўзбекистонда madaniy meros obyektlarini муҳофаза қилиш тизимининг вужудга келиши ва унинг ривожланиш иерархияси бўйича чуқур илмий изланишлар olib borилган. Tadqiqotda маҳаллий ва хорижий олимларнинг кўп йиллик илмий tadqiqot ishlari ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, расмий статистик маълумотлар, кузатиш, солиштириш, мантиқий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳозирги кунда Республика бўйича Моддий madaniy merosнинг кўчмас мулк obyektlari 8210 тани ташкил қилади. Шундан 4788 та Археология ёдгорлиги, 2265 та Архитектура ёдгорлиги, 625 та Монументал санъат ёдгорлиги ва 530 та Диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Кейинги йилларда моддий madaniy meros obyektlarini муҳофаза қилиш ва асрашга доир ишлар учун маблағ ажратилиши кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Республика бюджети ҳисобидан madaniy meros obyektlarига:

2019 йилда жами 59 125,05 млн. сўм (2018 йилга нисбатан 127 фоиз) бюджет маблағлари ажратилган.

Ажратилаётган маблағлар доирасида:

–77 та madaniy meros obyektlarini таъмирлаш-тиклаш, консервация ва археология tadqiqot ishlari амалга оширилди.

2020 йилда амалга ошириладиган ишлар:

Жами 66843,808 млн. сўм (2019 йилга нисбатан 130 фоиз) бюджет маблағлари ажратилади, шундан 85 та маданий мерос объектлари таъмирлаш-тиклаш, консервация ва археология тадқиқот ишлари кўзда тутилган)

Моддий маданий мерос объектларидаги асрашга доир ишларга илмий-тадқиқот институтларини кенг миқёсда жалб қилиш керак.

Илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишда ҳеч қайси муассаса ёки ташкилот монопол ҳуқуққа эга бўлмаслиги лозим. Бу илм-фан ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, Миллий археология маркази ва қайта ташкил этилган Самарқанд археология институтлари турли йўналишларда фаолият кўрсатиши самарали бўлади.

Катта суратлар билан ўсиб келаётган туризм соҳасида археология объектларини туристик объектларга айлантиришда Самарқанд археология институти илмий базасидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Моддий маданий мерос объектларида давлат назоратини амалга оширишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Ходимларнинг камлиги.
2. Мутахассисларнинг етишмаслиги.
3. Ойлик маошларнинг камлиги.
4. Илмий тадқиқотларнинг ўтказилмаслиги.
5. Даврий мониторинг ўтказилмаслиги.

6. Моддий маданий мерос объектларида бажариладиган таъмирлаш-тиклаш, реставрация, консервация ва реконструкция лойиҳаларига илмий хулосалар берилмаслиги.

7. Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари моддий техник базалари камбағаллиги.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилмасдан олдин моддий маданий мерос объектларини асрашга доир ишларни тўғри йўлга қўйиш ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Шунингдек, фан номзоди ёки фалсафа доктори, фан доктори (ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган даража) илмий даражасига эга шахсларни маданий мерос соҳасига жалб қилиш илмий даражадаги мутахассисларни кўпайтириш керак бўлади.

Илмий даражага эга бўлган мутахассисларнинг кўпайиши маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида илмий ечимларнинг муҳимлиги, уларни сақлаш ҳолатларига катта таъсир кўрсатади.

Маданий мерос соҳасидаги муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиб, уларнинг ҳолати яхшиланишига хизмат қиладиган ечимларни топиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Агар илмий ходимларни жалб қилган ҳолда муаммоли масалалар ҳал қилинмаса, маданий мерос объектларини туризм объектларига айлантириш ҳамда маданий мерос объектларини яхши ҳолатда сақлаб қолишга салбий таъсир кўрсатади.

Тажрибали ва илмий унвонга эга мутахассисларни жалб этиш орқали маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга ижобий таъсир кўрсатилади.

Қуйида моддий маданий мерос объектларини асрашга доир ишларни Россия Федерациясидаги мавжуд тизими ва Ўзбекистонда амалга оширилиши керак бўлган жараёнларини қиёсий ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Россия Федерациясида Маданий мерос объектларини асрашга доир қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Асрашга доир ишларни амалга ошириш учун танлов эълон қилинади (30 кун).
2. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Россия Маданият вазирлиги томонидан лицензияланган лойиҳачи белгиланади (Маданий мерос объектларини сақлаш учун лицензиялар реестрига мувофиқ).
3. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича давлат тарихий-маданий экспертизаси ўтказилади (Россия Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат тарихий-маданий экспертизасини ўтказиш бўйича мутахассислар).
4. Россия Федерациясининг шаҳарсозлик кодекси талабларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларининг давлат экспертизаси ўтказилади (Россия Главгосэкспертизаси, экспертиза лойиҳа ҳужжатлари буюртмачиси томонидан ташкиллаштирилади).
5. Давлат тарихий-маданий экспертизасининг ижобий хулосаси (45 иш куни) асосида лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланади.
6. Россия Маданият вазирлиги томонидан асрашга доир ишларни бажариш учун лицензияга эга пудратчи танлаб олинади (30 иш куни) (маданий мерос объектларини сақлаш учун лицензиялар реестрига мувофиқ).
7. Белгиланган ишларни бажариш учун объект эгасидан рухсат олинади (7 кун).
8. Бажарилган ишни назорат қилиш ва илмий ҳисобот тақдим этилади (иш бажарилган кундан бошлаб 90 иш куни)
9. Илмий ҳисоботни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (30 иш куни).
10. Буюртмачи томонидан ҳисобот тасдиқлангандан сўнг асрашга доир ишларни қабул қилишни ташкиллаштириш ва далолатнома асосида қабул қилиш (илмий ҳисобот қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун)
11. Объектни фойдаланишга топшириш учун рухсат олади (10 кун) [8].

Тасдиқланган Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг XII. Аҳоли пунктлари қурилишида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш деб номланган бўлимнинг 334-бандида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва қайта таъмирлаш билан боғлиқ бўлган шаҳарсозлик лойиҳалаштиришидан аввал тарихий зоналарнинг уларни аҳоли пунктининг тизимига киритиш учун истиқболий сақланиши ёки ўзгартирилишини белгилаб берувчи лойиҳадан аввалги илмий-асослайдиган тадқиқотлар бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган [9].

Шунга қарамай ушбу жараённинг қай тариқада амалга оширилиши ва у қандай босқичлардан иборат бўлиши ҳеч қаерда белгилаб қўйилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда моддий маданий мерос объектларини асрашга доир ишлар учун қуйидаги кўринишга эга бўлиши керак:

1-босқич. Жисмоний ва юрдик шахслар: асрашга доир ишлар амалга оширилиши таклиф этилаётган маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари бўйича таклифлар беради.

2-босқич. Ҳудудий бошқармалар:

1. Таклифларни умумлаштиради.

2. Илмий-маслаҳат кенгашида кўриб чиқилади. Ҳар бир объект бўйича илмий-техник тадқиқот гуруҳларини тузади.

3. Кенгаш томонидан маъқулланган рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилади.

4. Келишилган ушбу рўйхат маданий мерос агентлигига тақдим этади.

3-босқич. Маданий мерос агентлиги:

1. Рўйхатни умумлаштиради ва дастлабки босқичда кўриб чиқади.

2. Зарур ҳолларда:

ҳудудий бошқарма билан биргаликда рўйхат ва илмий-техник тадқиқот гуруҳига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

илмий-техник тадқиқот гуруҳи таркибига кўшимча номзодлар бўйича вазирлик, идора, ташкилот ва илмий муассасаларга сўровномалар юборади.

3. Рўйхат ва илмий-техник тадқиқот гуруҳларини Илмий-эксперт кенгашига киритади.

4-босқич. Илмий-эксперт кенгаши:

1. Рўйхат ва илмий-техник тадқиқот гуруҳларини кўриб чиқади, тасдиқлайди ёки асосли равишда рад этади.

2. Агентликка тақдим қилади.

5-босқич. Маданий мерос агентлиги:

1. Илмий-техник тадқиқот гуруҳи билан фуқаролик меҳнат шартномасини тузади.

2. Лойиҳа ташкилотлари билан бирламчи лойиҳа олди тадқиқотлари учун тўғридан-тўғри шартномалар тузади.

3. Семинар, услубий ва тегишли материаллар билан илмий-техник тадқиқот гуруҳини таъминлайди.

6-босқич. Илмий-техник тадқиқот гуруҳи:

1. Тадқиқот ўтказади.

2. Объектнинг ҳолати илмий қузатув асосида ўрганилиши якунида ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида хулоса олинади ва улар тўпланиб, ягона ҳужжатлар тўплами шакллантирилади.

3. Илмий-техник тадқиқот натижалари, тўпланган материаллар, хулоса ва таклифларини Агентликка тақдим қилади.

4. Бирламчи лойиҳа тадқиқот ишлари билан агентликка тақдим қилади. Дастлабки ҳисоб-китоб билан бирга берилади.

7-босқич. Маданий мерос агентлиги: Умумлаштиради, зарур ҳолларда қўшимча ўрганиш ташкил қилади.

Бош вазир ўринбосари – Туризм ва спорт вазири билан келишади.

Келишилган рўйхатни келгуси йилдан молиялаштириш масаласини Туризм ва спорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил қилади.

8-босқич. Маданий мерос агентлиги: Бош вазир ўринбосари – Туризм ва спорт вазири билан келишилган рўйхат асосида:

Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари тўлиқ тадқиқот ишларини тузилган шартномага асосан олиб боради.

Зарур ҳолларда асбоб-ускуналар билан таъминлайди ҳамда уларга шарт-шароитлар яратиб беради.

9-босқич. Маданий мерос агентлиги:

1. Пудрат ташкилотлари билан келгуси йил учун шартномаларни белгиланган тартибда тузади.

2. Пудрат ташкилотлари, лойиҳа ташкилотлари ва илмий-техник тадқиқот ўтказувчиларнинг асрашга доир ишларини мувофиқлаштиради.

3. Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари пудрат ташкилотларининг асрашга доир ишларини доимий назорат қилиб боради.

4. Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари пудрат ташкилотларининг асрашга доир ишлари юзасидан ҳар ойда ҳисобот бериб туради.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, илмий-техник тадқиқот гуруҳи, лойиҳа ташкилот ва агентлик ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, Агентлик объектни қабул қилиб олади.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши моддий маданий мерос объектларини асрашдаги изчилликни таъминлайди.

Шу билан бирга, Агентлик ташкилий тузилмаси 60 та штат бирлигидан иборат марказий аппарат тузилмаси ҳамда 14 та ҳудудий бошқармаларининг штат бирлиги 200 та артофида этиб белгиланиши лозим.

Мисол учун, Японияда 1968 йилда Таълим, маданият, спорт, фан ва техника вазирлиги ҳузурида Маданият ишлари бўйича агентлик ташкил этилган. Агентликнинг умумий ходимлари сони 235 тани ташкил этади [10].

### **Хулоса ва таклифлар**

Бугунги кунда барча соҳаларда жадал *ислоҳотлар* амалга оширилмоқда, шунингдек маданий мерос соҳасида ҳам кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Бироқ ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Ҳозирда моддий маданий мерос объектларини таъмирловчи мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳанузгача мураккаб бўлиб қолмоқда. Бугунги кун талабидаги реставратор, моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш, мослаштириш ва тарихий муҳитни тиклаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва танқидий баҳолаш ва уни касбий фаолиятида қўллаш қобилиятига эга бўлиши керак. Ушбу соҳа бўйича мутахассисларни етиштириш масаласини ижобий ҳал этилмас экан.

Пудратчи ташкилотлар томонидан таъмирлаш ишлари бажарилишида бир қатор қўпол камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, ёдгорликда таъмирлаш ишлари сифатсиз ўзига хос меъморчилик мактабига хос бўлмаган таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги, олиб борилганлиги сабабли бир йил ўтмасдан айрим обидалар ёмон аҳволга тушмоқда.

Ечими бўйича таклиф. Соҳа ривожини йўлида аввалом бор ҳар битта тарихий шаҳарларда мавжуд бўлган ёдгорликларни таъмирлаш устaxonаларни қайта тиклаш зарур. Кўп йиллик тажрибага эга реставраторларни жалб этиш, Устоз-шогирд мактабини яратиш, истеъдодли шогирдларни тарбиялаш асосида янги ишчи ўринларини ташкил этиш, устaxonаларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш ҳамда моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш ишларини тўғри ва мукамал олиб бориш учун имконият яратиш лозим.

2. Ёдгорликларни пардозлашда ишлатилаётган кошинлар сифат даражасида эмаслиги сабабли объектларда бажарилган пардозлаш ишлари 3-4 йилда яроқсиз ҳолатга келиб қолмоқда.

Ечими бўйича таклиф. Тарихий шаҳарларда кошин ишлаб чиқадиган устахоналарни қайта ташкил этиш ва устахоналарни замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш зарур. Ташкил этиладиган лабораторияда қадимий кошинларнинг таркибини аниқлаш, уни қўллаш ва тайёрлаш тўғрисида амалий ишлар бажарилади.

3. Ачинарли ҳолатлардан бири археология ёдгорликларининг қабристон сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Археология ёдгорлигининг қабристон сифатида фойдаланаётган қисмида жуда ноёб сопол буюмлар, археологик ашёлар топилмоқда. Бир неча минг йиллик тарихни ўзида мужассам этган қадимий археологик объектларни йўқ бўлиб кетишини олдини олиш зарур.

Ечими бўйича таклиф. Археология ёдгорлигини тарихий-маданий қимматини сақлаш учун ёдгорлик ҳудудидаги мавжуд қабристонлар учун янги ер майдонлари ажратиш. Шунингдек, археология ёдгорликларини ўрганиш, тадқиқот ишларни олиб бориш учун республика маблағлари ҳисобидан алоҳида молиялаштириш билан бирга ҳудудларда музейлар ташкил этиш. Вилоят бошқармаларига археолог штати ажратиш ва замонавий техникалар билан таъминлаш зарур.

4. Барча моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш ва уни белгиланган тартибда кўриб чиқиш. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини миллий рўйхатини қайта шакллантириш лозим.

5. “Мерос чашмаси” ДУК ва “Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш” ДУК негизида Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилган. Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ўз фаолиятдан олган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилганлигини инобатга олиб, Институтни Давлат бюджетидан молиялаштириш масалани кўриб чиқиш лозим. Шунингдек, тарихий шаҳарларда Институт филиалларини ташкил этиш лозим.

6. Моддий маданий мерос объектларида фаолият олиб бораётган жамоатчи инспекторлар томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан амалга оширилишини, бу орқали миллий бойлигимиз, бой тарихий меросимизни асраб қолиш мақсадида уларнинг моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш зарур.

Таъкидлаш лозимки, моддий маданий мерос объектларида асрашга доир ишларни тизимли равишда амалга оширишнинг такомиллаштирилган шаклига ўтиш ҳамда мутахассис кадрларни ишга жалб қилинса соҳада ижобий ўзгаришлар сари олға ташланган қадам бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Векленко В.И., Алгафри М.А., Мохаммад М.А. Теоретические основы управления социально-экономическим развитием территорий с объектами культурного наследия // Креативная экономика. № (13)6, июнь 2019 г. С. 1215-1234

2. Житенёв С.Ю. Системы управления объектами культурного наследия // Журнал института наследия. № 3(6), 2016 г. С. 1-14

3. Тарновский В.В. Эффективное управление объектами культурного наследия как фактор развития саратовской области // Экономика. Управление. Право. 2016. Т. 16, вып. 4. С. 419-424

4. Lei Cui, Xiaofen Shao, Beenu Mago, Renjith V.Ravi. Digital intangible cultural heritage management using deep learning models // Aggression and Violent Behavior. Available online 6 November 2021, 101680. <https://doi.org/10.1016/j.avb.2021.101680>

5. Lei Zhang. Empowering linked data in cultural heritage institutions: A knowledge management perspective // Data and Information Management. Volume 6, Issue 3, July 2022, 100013. <https://doi.org/10.1016/j.dim.2022.100013>

6. Lin Guilan, Dong Weiwei. Synergetic management strategy for maritime cultural heritage protection and marine development in China // Marine Policy. Volume 125, March 2021, 104383. <https://doi.org/10.1016/j.marpol.2020.104383>

7. Riccardo Cacciotti and al. Climate change-induced disasters and cultural heritage: Optimizing management strategies in Central Europe // Climate Risk Management. Volume 32, 2021, 100301. <https://doi.org/10.1016/j.crm.2021.100301>

8. Федеральный закон от 25 июня 2002 г. N 73-ФЗ "Об объектах культурного наследия (памятниках истории и культуры) народов Российской Федерации". Градостроительный кодекс Российской Федерации от 29 декабря 2004 г. N 190-ФЗ (ред. от 31 декабря 2017 г.)

9. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш. ШНК 2.07.01-03.

10. Крогиус В. Сохранение культурного наследия в Японии: сравнение с российскими проблемами. Обсерватория культуры. 2005, №1, с.-98